

А Ж Р И М

2003 йил «5» август кунни Кува тумани жиноий ишлар буйича суднинг очик суд мажлиси уз биносида булиб, Кува тумани жиноий ишлар буйича суднинг судьяси Р.Э.Араповнинг ранслигида, халк маслахатчилари И.Жабборовва Г.Турсуновлар таркибида, Н.Пулатовнинг котиблигида, Кува туман прокурори ёрдамчиси М.Умаров адвокат Б.Исмоиловларнинг иштирокида УзР.ЖК сининг 167 моддаси 3 кismi «а» банди, 168 моддаси 3 кismi «а» банди, 184 моддаси 3 кismi, 188 моддаси 3 кismi «а» банди, 227 моддаси 2 кismi «а» банди, 228 моддаси 2 кismi «а», «б» бандлари билан Эргашев Рахимга нисбатан жиноят иши курилди.

Суд

А Н И К Л А Д И :

Суд мажлисида адвокат Б.Исмоилов ва судланувчи Р.Эргашевлар судда илтимоснома киритишиб Эргашев Рахим «Туб диспансерда» хисобда турганлиги сабабли Узбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилда чиқарилган амнистия Фармонига асосан Фаргона вилоят Сил касалликларига карашли диспансерни врачлар комиссиясини 2003 йил 11 июнь кунидаги қарорига асосан жиноят ишини тугатишни сурашган,

Судда жабрланувчи Тожибоева Муътабар судга илтимоснома киритиб, жиноят ишини қайта терговга қайтаришни, судланувчининг бошқа жиноий шерикларига нисбатан биргаликда суд қилиниши, судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини узгартиришни сураган.

Адвокат Б.Исмоилов ва судланувчи Р.Эргашевнинг судга киритган аризасини қаноатлантириш асос йук, чунки Узбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 август кунидаги «Узбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида» ги Фармонини қуллаш тартиби тугрисидаги низомнинг 11 бандида Фармон қонуий қучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш тиббий муассасаларини ёқи яшаш жойларида сил касаллигига қарши диспансерларнинг тиббий қамиссиялари қарорига асосан сил касаллигининг актив формасига / 1 ва 2 гр. диспансер хисобидагилар/ қалинган деб топилган шахслар Фармоннинг 1 моддасида белгиланган шахслар руйхатида тушиши белгиланган булиб, адвокат ва судланувчи томонидан, судланувчининг Низомда талаб этилган ҳолат буйича ҳужжат тақдим этилмаган,

Суд жабрланувчи Тожибоева Муътабарнинг судда келтирган илтимосини ҳам қаноатлантириш учун асос йук деб хисоблайди, чунки судланувчига нисбатан Фаргона вилоят Жингоий ишлар буйича суднинг апелация судлов хайъатининг 2—3 йил 14 июль кунидаги ажримда судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида очикда қолдирилган.

Жабрланувчининг аризасида қурсатилган тергов органининг жиноят орқали келтирилган зарари миқдорини қатта миқдорга қамай тирилганлиги, асосий гувоҳлар сурок қилинмаганлиги, жиноят иши буйича судланувчи Эргашев Р.нинг жиноий шерикларига нисбатан жиноят иши нотугри ажратилганлиги, ушлаштирилган маблағнинг далиллар билан тугри қелмаслиги ва бошқа аризада қурсатилган ҳолатлар суд тергови давомида тулик текширилиши ва бунинг учун суд тергови утказилиши лозим.

Юқоридагиларга қура судланувчи Эргашев Рахим, адвокат Б.Исмоилов ва жабрланувчи М.Тожибоеваларнинг судга тақдим этган илтимослари рад қилиниши лозим.

Суд УзР.ЖПК нинг 423, 438 моддаларини қуллаб

А Ж Р И М К И Л А Д И.

Адвокат Б.Исмоилов, судланувчи Р.Эргашев ва жабрланувчи М.Тожибоеваларнинг илтимослари асосиз булаганлиги учун рад қилинсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Фаргона вилоят жиноят ишлари бўйича судига хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи: имзо Р.Э.Арапов.

Халқ маслахатчилари: имзо И.Жабборв.
имзо Г.Турсунов.

Нусхаси аслига тугри деб,
Кува тумани жиноят ишлари
бўйича судининг судьяси:

Р.Э.Арапов